

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОММУНАЛ ХИЗМАТНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОХ ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

коммунал хизматни ислох қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, коммунал хизмат соҳасидаги меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни, техникавий-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;
давлат бошқаруви маҳаллий органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан коммунал хизмат соҳасида амалдаги қонунчиликка, белгиланган техник шартлар ва талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
рўзгор чикиндиларини йиғиши, уларни фойдаланиш суратда ишлатиш ва қайта ишлаш йорисидаги ҳолатни ўрганиш ҳамда шу масалалар бўйича ягона сиёсатни шакллантириш;
тармоққа хорижий сармоялар ва технологияларни, жумладан, қўшма корхоналар барпо этиш йўли билан жалб қилиш.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:
аҳолига уй-жой-коммунал хизматларнинг жами комплексини кўрсатиш, уни ичимлик суви, марказий иситиш, канализация билан таъминлаш;
уй-жой-коммунал ҳўжалиги объектларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш борасидаги ишларни ўтказиш;
қўп хонадонли уйлари тубдан таъмирлаш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этиш;
уй-жой эгаларининг ширкатларини ҳамда Ягона буортмачи хизматларини, уй-жой фондида хизмат қилиш ва коммунал хизматларни кўрсатиш бўйича муқобил пудрат ташкилотларини тузиш учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;
маҳаллий бюджет ва ўз маблағлари ҳисобидан коммунал объектлар курилиши бўйича буортмачи вазифаларини амалга ошириш;
шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш ҳамда санитария жиҳатидан тозалаш борасидаги ишларни ташкил этиш;
шаҳарлар ва туманлар коммунал-фойдаланиш бошқармаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳолига коммунал хизматни ташкил қилиш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:
коммунал хизматлар бозорида рақобатчилик муҳитини шакллантириш, уй-жой фонди ва бошқа коммунал объектларни бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш вазифаларини ажратиш мақсадида минтақадаги коммунал хизмат тизимида ислохотларни амалга ошириш;
аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш учун сув қувурлари ва газ тармоқларини ривожлантириш борасидаги мақсадли давлат дастурларини ўз қарамоғидаги ҳудудда рўйбга чиқариш;
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўз қарамоғидаги ҳудудда коммунал хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантириш;
сув, газ, иссиқлик ҳамда бошқа энергия манбалари сарфини яқка тартибда ҳисобга олиш ва тартибга солиш асбоб-ускуналарини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;
ўз қарамоғидаги ҳудудда техникавий инвентаризация бюросининг фаолиятини ташкил қилиш.
5. «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатиш» бошқариши тақомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июлдаги ПФ-617-сон Фармониинг 1-3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсинлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2000 йил 19 декабрь
И.КАРИМОВ

ЖАҲОН
БАНКИНИНГ МАДАДИ

Бугун қадимий шаҳар кўчаларида Ўзбекистон — Туркия «СамКочАвто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 25 ўринли «УзОтойул» автобуслари кўпайиб қолди. «Экспресс» тарзида қатновчи бу автобуслар йўловчилар ташинишдаги муаммоларни бирмунча камайтирди. Қизиги шундаки, олинган ва олинганга лозим бўлган автобуслар учун «Бухоротранс» давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси ва 2533-автожамланма ҳозирча бир сўм ҳам тўлагани йўқ.
— 2533-автожамланма транспорт паркни анча эскириб қолган. Молиявий аҳволни ўнглаш учун эса имконият йўқ ҳисоби, — дейди «Бухоротранс» давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси раҳбари Шавкат Каримов. — Шундай бир пайтда мамлакатимиз ҳукумати кафилигида Жаҳон банки бизга 5 миллион доллардан зиёд маблағ ажратди. Шунинг ҳисоби-га 60 та «УзОтойул» оламиз.

Даврон БАХРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КУЛАЙЛИК
ТЕЖАМКОРЛИКНИ
КЎЗЛАБ

Корхонамиз жамоаси уйлари иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва бошқа шу йўналишдаги Европанинг мукамал технологиясини ўрганиб чиқди. Ҳозир Тошкент шаҳрида ва вилоятлардаги хонадонларда ўрнатган ускуналаримиз самарали ишламоқда. Улар кўёш нури билан уйғунлаштирилган ва 2 йилдан буюн қўлланиш жараёнида бирон бир муаммо туғилгани йўқ. Бу иситиш тизими ўзининг тежамкорлиги ва қулайлигини намойиш этди. Дарвоқе, у хонадон соҳибига болалари ва набираларига ҳам бир мулк сифатида қолади.
Германиянинг иқтисодий тежамкор автоматика усулида ишлайдиган иситиш қозонларини Ўзбекистонда биринчи босқичда ўрта ва кичик қувватлисини ҳамда кўёш коллекторларини ҳам ишлаб чиқарамиз. Кейинчалик ускуналар ва улар эҳтиёт қисмларини ўзимизда ишлаб чиқариш лойиҳамиз бор. Ҳозир ана шу лойиҳа бўйича анчагина ишларни амалга оширдик.
Дарҳақиқат, «Араббой» корхонаси раҳбари

Муштақил Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашда республика акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»нинг ҳиссаси катта бўляпти.
Фаргона вилояти қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 2000 йил ютуқлар йил бўлиб, десак хато қилмаймиз. Вилоятда пилла, галла, пахта тайёрлаш ва давлатга сотишда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Бунда «Пахта Банк» вилоят бошқармасининг ҳам улуши катта. Мухбиримиз банкнинг вилоятда ўтказиладиган иқтисодий ислохотларга ижобий таъсири самараси ҳақида сўзлаб беришни сўраб вилоят «Пахта Банк» бошқармаси бошлиғи Расул Шарофовага мурожаат қилди.

Расулжон ака, маълумингизки Фаргона вилояти бу йил қишлоқ ҳўжалигида депсини жараёнидан чиқиб олди. Галла, пахта тайёрлаш режалари ортинги билан бажарилиди. Ушбу муваффақиятларда деҳқонларга ҳамкор, ҳамнафас бўлдингиз...
Дарҳақиқат, бу йилги ютуқлар билан фахрланасан арзийди. Фаргона деҳқонлари ўзларини яна бир қарра намойиш қилишди. Фаргона республикасида пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган икки вилоятдан бири. Виллоятнинг янги раҳбарияти йил бошидан «Пахта Банк» қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига янада фаолроқ аралашиб кераклигини топширганди. Биз «Пахта Банк» республика бошқаруви раҳбарияти, бошқарув раиси Ж. Сайфутдинов билан маслаҳатлашган ҳолда бир қатор талбирлар

КУЛАЙЛИК
«ЛУҚМОН»НИНГ МАЗАЛИ СУВИ

Урганчдаги «Луқмон» даволаш-диагностика маркази қошида бир кеча-кундузда 25 кубометр ҳажмида чучук сув ишлаб чиқариладиган янги қурилма ишга тушди. Экологик номутаносиблик боисдан ичимлик суви таркибининг бузилиши ва турли хасталиклар пайдо бўлишидан озорланаётган шаҳар аҳолиси учун бу ўта қулайликдир.
Янги қурилма олатдаги истеъмол сувини қайта ишлаб, унинг таркибидagi бир қатор инсон организми учун зарарли моддалардан тозалайди. Ишлаб чиқариладиган чучук сув таркибига кўра, жаҳон стандартларига тўла мос келади. Айни пайтда қурилма ультрафиолетик нуриллаш орқали сув таркибидagi барча микроб ва бактерияларни йўқ қилади. Бу дегани — истеъмолчилар эндиликда турли ошқозон-ичак, айнақса, сариқ хасталикларидан хавфсизланишга асос йўқ.
Тўғри, «Луқмон»нинг мазали суви билан шаҳар аҳолисини ҳозирча тўла таъминлаш имкони йўқ. Навбат эл-юрт соғлиғи, равнақини ўйлайдиган кишилар — талбиркорларга. «Луқмон»чиларнинг давомчилари бўладими?!

Рўзимбой ҲАСАН

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Миллий авиакомпания ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириб бораётир. «Интерконтинентал» меҳмонхонаси раҳбарияти билан имзоланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бу йўлдаги яна бир қаламдир. Бу меҳмонхона мижозларга энг юксак даражада хизматлар кўрсатувчи меҳмонхоналар шохобчасига эга бўлган халқаро «BAAS» компанияси таркибига кириди. Шартномага мувофиқ жаҳон бўйлаб парвоз этаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» экипажлари меҳмонхоналардаги хизматларда анчагина имтиёзларга эга бўладилар. Бу эса валюта маблағларини тежашга имкон беради. Туманлар, шунингдек, серкўёш диёримиз меҳмонлари учун Буюк ипак йўли шаҳарлари — Бухоро, Самарқанд ва Хивага ташрифлари учун қулайлик яратувчи биргаликдаги сайёҳлик мажмуини ишлаб чиқиш тўғрисида ҳам келишиб олдилар. Меҳмонхона раҳбарияти миллий авиакомпаниянинг жаҳон бозоридаги фаолияти кенгайтирилган манфаатдор ва бу борада турли хил реклама ишларини олиб боришга ҳам тайёр. «Интерконтинентал» меҳмонхонасида авиачипталар сотиш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ваколатхонасининг очилганлиги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг дебосасидир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

2000 йил 28 апрель. «Чим» бозори яқинида одам ўлдирилгани ҳақида хабар келди. Ички ишлар ва прокуратура ходимларидан зудликда тузилган гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб келганда, кун анча оқариб қолган. Фузор — Самарқанд автоўйлининг ўнг томонидаги далада жасад ерпарчин бўлиб ётар, анча жой эса топилганди.
Жасаднинг кийимлари йиртилган, бир неча жойига тиг урилган, бунга қаноат қилмай, бўғизлаб кетишган эди. Анча уринишлардан сўнг ўлдирилган «Оқраб» ҳўжалигининг Ҳўжа қишлоғида яшовчи фуқаро эканлиги аниқланди. Марҳум М. Раazzoқов «Тоҳир-Зухра» ҳўжалигида чорвачилик фермасида ишларкан. Ферма мудири Абдусамид Саидов унга ўғли Элдорни қўшиб мол сотгани бозорга жўнатган.
Бола кўзи олам дарчаси, дейдилар. Рўхиятшунослик фани ёмонлиқни кўрганга бола қал-

биз алоҳида бир банк ходимини маъсул қилиб белгилаб қўйди ва бу ходим ҳўжаликдаги молиявий аҳвол учун ҳўжалик мутахассислари билан бирликти ҳаво беради.
Бу гаплар, албатта, ҳўжаликларда тўғри молиявий иш юритишга кўмак берди.

БАНК ИСЛОХОТЛАР
КЎЗГУСИДА

БИР ЖОНУ
БИР ТАН БЎЛИБ

Қолоқ ҳўжаликларга нисбатан қандай иш юритилди?
— Ходимимиз йил якуни бўйича ҳўжалик фаолияти юзасидан махсус паспорт тўлдирди. Зарар кўрган ҳўжаликлар фаолияти бу паспортларда ипидан игнасигага таҳлил қилиниб, зарар натижалари бўйича ҳўжаликни санация қилиш юзасидан ҳукумат комиссиясига тегишли ҳужжат тақдим қилинади. Аммо, биз шу билангина чекланиб қолганимиз йўқ.
Хукумат қарорига асосан, санацияга тортилган қишлоқ ҳўжалик корхоналари бўйича бошқармаимизда алоҳида ҳужжат қабул қилинади. Унга

асосан санациядаги ҳар бир ҳўжалик фаолиятини кузатиб бориш банк бўлиб бошқилари зиммасига юклатилган. Улар мунтазам равишда ўша ҳўжаликларда бўлиб тегишли амалий ёрдам кўрсатадилар. Қувонарлики шундаки, бундай ҳўжаликлар бу йил бизда кам.
2000 йил якуни бўйича мижозимиз бўлган 184 та қишлоқ ҳўжалик корхонасидан 174 таси йиллик фойда билан чиқиши кутуляпти. Вилоятда ўттизга яқин ҳўжаликларда рентабеллик даражаси 15 фоиздан ошиб кетди.
— Пахта йиғим-терими даврида қандай ишлар амалга оширилди?
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 августдаги «2000 йил пахта ҳосили йиғиштириб олишни ушшоққлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ теримчилар ва хашарчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мақса-

сида қилинадиган ишлар кўп. Берилган кредитлардан омилкорлик билан фойдаланиб иш юритган ҳўжаликлар муваффақияти эса кўзларни қувонтиради. Тошлоқ туманидаги «Қамрақ» фермер ҳўжалигида ойда олти минг литр сутни қайта ишлайдиган корхона қуриш учун 9 миллион 800 минг сўм кредит берилди. Фермер ҳўжалиги қисқа муддатда шу корхонани ишга туширди ва бу қўшимча 10 та иш ўрин яратиш имконини берди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 2000 йилнинг ўзидаёқ йиллик даромад 15 миллион сўмини, соф фойда 5 миллион сўмини, рентабеллик эса 40 фоизни ташкил қилди. Умуман, биз ажратган кредитлар ҳисобига 11 ой мобайнида 50 миллион сўмлик гўшт, 56 тонна сут ишлаб чиқарилиди. 1000 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.
— Расул ака, сиз «Ўзбекистон овози» газетасининг ашаддий муҳаси эканлигининг билдиримиз...
— Бу газетани бир мен эмас, «Пахта Банк» тизимидаги барча ходимлар севиб ўқишади. Яқинда ходимларимиз, мижозларимиз иштирокида ўтган йиғилишда бу йил мингта яқин «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга қарор қилдик.
■ Сўхбатдош:
Алишер ИБДИНОВ

ҚЎЛИ ГҲЛ ЧЕВАРЛАР



Самарқанд шаҳридаги «Бофанда» ҳиссасдорлик жамияти бугунги кунда ўзининг сифатли маҳсулотлари билан доврўқ қозонмоқда.
— Жамиятимизда 650 киши ишлайди. Иш икки сменада ташкил қилинган. Асосан трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Аёллар, эркеклар ички кийимлари, болалар учун турли кийим-кечалар моҳир чеварларимиз томонидан сифатли тикилиб, хазирдорларга юборилади. Бугун биз билан қўшма корхона очинишга қизиққан хорижий меҳмонлар жамиятимизга тез-тез ташриф буюрмоқда. Ҳозирги шартномада хориж сармоясини олиб қирмай, хорижга маҳсулотни экспорт қилмасдан туриб кўзланган мақсадларга эришиб бўляпти. Ун ойлук якунларига кўра, 430 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ҳомаёш асосан Ғиждувон, Риштон, Китоб ип йиғирув корхоналаридан оли-

ДАСТЛАБКИ
МАХСУЛОТ
ЖЎНАТИЛДИ

«Навойсавдо» ҳиссасдорлик жамияти ҳамда вилоят дон ва нон маҳсулотлари комбинати ҳомийлигида янги пиво заводи қуриб, ишга туширилди. Германия асбоб-ускунаси ва технологиясига эга бўлган бу кичик завод кунига 5 минг литр пиво ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводнинг дастлабки маҳсулот туркуми Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод кончилари учун жўнатилди.
■ Музаффар ШАРОФОВ

ҚЎЛЛАНМА

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» номли китобни босмадан чиқарди. Китоб бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ва Германия тажрибаси асосида тайёрланган бўлиб, академиклар Саидхорр Гуломов ва Мурод Шарифхўжаевлар таҳрирининг маҳсулидир.
Китоб 13 бобдан иборат ва унда бозор иқтисодиётидаги муносабатлар кенг талқин қилинган.
Китобни тайёрлашда Тошкент давлат институтини, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Республика банк-молия академияси иқтисодчи олимлари ва Германия иқтисодчиси Ригмар Остеркамп ҳамкорлик ҳомийлик қилган. Бу тўпلامдан олий ўқув юртлари магистрантлари, аспирантлари ва мутахассислари дарслик сифатида фойдаланадилар. Шу билан бирга у кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган.
■ Сулаймон ХАЙДАРОВ

КОРА КИЛМИШ
КОТИЛМИШ

ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ЁШГНА БОЛА ФОШ КИЛДИ
қўяди. Сен бойвачча пулни чиқар, чиқар дейман!
— Нега урсан? Вой кўзим... Элдор қоч, қоч...
Даҳшатта тушган Элдор жон ҳолатда силкинчи, ҳалиги одамнинг қўлидан чиқиб кетди. Изини чалқаштириб, ўзини зовурга ташлади. Орадан анча вақт ўтгач, қишлоқдоши Ҳамзани кўриб қолди ва «Майруф акани ана у ерда уришайти», деди. Қанчалик кўркўлга тушмасин, яна бир бор воқеа юз берган жойга бориш-

Учтаси бўйдоқ, фақат Жумагулов уйланган, битта фарзанди бор. Улар илгари судланганин, амнистия ҳақидаги фармонга биноан муддатидан илгари озодликка чиқаришган, Жумагуловга нисбатан чиқарилган ҳукм кечиктирилган эди. Афсуски, улар бундан етарлиқ сабоқ чиқариб олинмади.
Жиний ўғруҳга уюшган бу кимсаларнинг хатти-ҳаракати, кирдикорлари ўрганилган экан, йиртқичлар тўласи каби ўзларини ҳар томонга уришгани маълум бўлди. Уюшган гуруҳ шу йилнинг 16 мартда Қамаш тумани Ҳўжа қишлоғида яшовчи Абдурахим Сариковнинг бозор нарихда 60 минг сўм турадиган 2 бош қўйини, 3 апрель кунини Қамаш шаҳрида яшовчи Кўчар Сатторовнинг уйдан баҳоси 28 минг сўм бўлган 14 қўти мойбўкни ўғирлаб сотиб юборишди. Пулларни ўзаро бўлиб олишган. Балойи нафс тузоғига илинганлар Қарши

Икром НАСИДИНОВ,
Қамаш тумани
прокурори,
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Миллий ғоя нимадан бошланиши лозим? Бу саволга жавоб ўлароқ айтиш мумкинки, ўзбекининг миллий ғояси айнан ўзбекка ҳурматдан, ўзбекка эътибордан бошланиши зарур. Ҳурматнинг шундай ҳурматга лойиқ бўлолмади. Бу ҳурмат аввало, тилга, тарихга алоҳида эътибор тарзда намойиш бўлади. Бу ҳурмат ҳар бир миллатдошнинг шу миллатга мансубликдан, шу миллат тилида гапирётганидан, ўз сезимларию, фикрларини шу тилда ифода эта биланликларидан фахрланиш туйғуларини мавжуд эсагина пайдо бўлади. Бу гуруҳ киборни, ўзгаларга назар билан қарашни эмас, балки миллатга алоқадорлик, унинг ҳар вакили учун масъулият туйғусини уйғотиши лозим. Худди ҳар бир рисоладаги одам учун онасини бошқа оналардан яхшироқ кўриши табиий бўлганидай ва бу туйғуси учун ҳеч кимдан хижолат чекмаганидай, ўз миллатини бошқа миллатларга қараганда яхшироқ кўриши яширмайдиган ва бундан хижолат бўлмайдиган авлод шаклланди.


Миллий ғоя қонун ҳам, мажбурий акт ҳам эмас, балки ташвиқий йўналишдаги миллатга энг яқин, энг юқумли, энг тушунарли, энг таъсирчан, энг жозибабали фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя мажбурий бўлса, бажариллиши шарт юридик актага айлansa, сиёсий мафкурага, давлат мафкурасига дўнади. Ҳолбуки, миллий мафкура

шаклландиган ҳодиса эмас. Балки айнан одамнинг ўйлаш ва яшаш қаноатларидан, қарашларидан келиб чиқадиган ҳосиландир. Фақат марксчиларгина ижтимоий турмушни абсолютлаштириб уни одамга дахлдор барча ҳолатларнинг келтириб чиқарувчиси тарзида тақдим этиб келишган. Бу бежиз эмасди. Ижтимоий турмушнинг мутлақлашуви жамият ақлининг масъулиятини пасайтирарди. Унинг ўз ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини камайтиришга қаратилганди.

Миллий ғоя қонун ҳам, мажбурий акт ҳам эмас, балки ташвиқий йўналишдаги миллатга энг яқин, энг юқумли, энг тушунарли, энг таъсирчан, энг жозибабали фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя мажбурий бўлса, бажариллиши шарт юридик актага айлansa, сиёсий мафкурага, давлат мафкурасига дўнади. Ҳолбуки, миллий мафкура

шаклландиган ҳодиса эмас. Балки айнан одамнинг ўйлаш ва яшаш қаноатларидан, қарашларидан келиб чиқадиган ҳосиландир. Фақат марксчиларгина ижтимоий турмушни абсолютлаштириб уни одамга дахлдор барча ҳолатларнинг келтириб чиқарувчиси тарзида тақдим этиб келишган. Бу бежиз эмасди. Ижтимоий турмушнинг мутлақлашуви жамият ақлининг масъулиятини пасайтирарди. Унинг ўз ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини камайтиришга қаратилганди.

Миллий ғоя қонун ҳам, мажбурий акт ҳам эмас, балки ташвиқий йўналишдаги миллатга энг яқин, энг юқумли, энг тушунарли, энг таъсирчан, энг жозибабали фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя мажбурий бўлса, бажариллиши шарт юридик актага айлansa, сиёсий мафкурага, давлат мафкурасига дўнади. Ҳолбуки, миллий мафкура



БЕЗГАК ОФАТИ
Гвинеяда безгакка чалинётганлар сони тобора кўпаймоқда. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, ҳозир йигирта мингдан ортиқ одам ушбу дардга чалинган ва ноябрь ойидан буюн уларнинг икки юз нафари вафот этган. Вазирлик вакили халқро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, хасталик тарқалишининг олдини олиш учун шошилинч ёрдам кўрсатишни сўради.

ЯНГИ АСРДА ХИТОЙ АҲОЛИСИ
Хитой аҳолиси сони XXI аср ўрталарига бориб 1,6 миллиардга етади. 2010 йилга мамлакат аҳолисининг ҳозирги сони, яъни 1,4 миллиард кўрсаткич сақланиб қолади. Ҳукумат вакилининг билдиришича, Хитой янги асрда ҳам оилани режалаштириш сиёсатини давом эттиради. Бу аҳоли яшаш шaroитини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қашшоқлик ва ишсизликни тугатишга катта ёрдам беради.

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАК НУРИ
БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) маълумотига қараганда, дунёда ҳар йили ўн бир миллион бола беш ёшга етмай ҳалок бўлмоқда. Бунга оғирлик ва турли юқумли касалликлар сабаб бўлаётди. Жамғарма вакилининг билдиришича, Африкада бу борадаги аҳвол жуда ҳам аянчли. Қитъа жанубидаги давлатларда 15 ёшгача бўлган болаларнинг 4,3 миллиони ОИТС дан нобуд бўлмоқда.

САЙЁХЛАР ЭЪТИБОРИ
Нью-Йорк шаҳрига келувчи сайёхлар сони жорий йилда рекорд кўрсаткичга чикди, деди шаҳар мэри Рудолф Жулано. Унинг айтишича, 2000 йилда Нью-Йоркка дам олиш учун келганлар сони 38,4 миллионга етган. 2001 йилда эса бу кўрсаткич яна бир миллионга кўпайиши кутилмоқда.



ТИББИЙ КҮРИҚДАН ҲАҚИ
Августо Пиночет ҳарбий госпиталда тиббий кўриқдан ўтказилди. Сантьягода қўриқдан ўтказилган суди шу ҳақда қарор чиқарди. Бу билан генералга қарши даъво қўйилганларнинг уни Сантьяго тиббий университетини шифохонасида кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги талаблари бекор бўлди. Агар шифокорлар Пиночетни судланишга яроқсиз, деб топса, у суд қилинмайди. Ҳарбий госпиталда тиббий кўриқнинг ҳаққоний ўтиши учун, апелляция суди қарорига қўра, бу жараёнда кузатувчи сифатида ҳарбий бўлмаган шифокорлар ҳам иштирок этади.

КҮРОЛ-ЯРОФ САВДОСИГА АРАЛАШГАН ЭКАН
Перу президентлигига номзодлардан бири Алехандро Таледо собиқ давлат раҳбари Алберто Фухимори кўрол-яроф ва наркотик моддалар контрабандасига аралашган, деган фикрда. Махсус хизматнинг собиқ раҳбари Владимирро Монтесиносининг қилмишлари эса анча ойдинлашиб қолди. Маълум бўлишича, у Колумбияга ноқонуний равишда йирик миқдорда кўрол-яроф ўтказиб юборган. Унинг Швейцария банкдаги ҳисоб рақамлари ҳам ошкор бўлди. Жамғарилган пуллар 70 миллион АҚШ долларига тенг экан. Швейцария полицияси шундан 22 миллион айна кўрол-яроф контрабандасидан ортирилганини аниқлади.

КАНЦЛЕР ҚАРШИ РҮЙХАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ
Германия канцлери Герхард Шрёдер Европа Иттифоқи Шарққа томон кенгайгандан сўнг, янги аъзо давлатлар фуқароларининг бошқа мамлакатларда эркин меҳнат қилишига қарши чикди. Бу ЕИнинг бошқа аъзолари, хусусан, Германия иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозир ГФРда турт миллионга яқин меҳнат қилувчи бўлиб қолди. Уларни иш бўлиши билан таъминлашнинг ўзи ҳозир катта муаммо бўлиб турибди, деди канцлер.

КОР БҮРОНИ САБЛА...
АҚШнинг қиш нимагини билмайдиган базис штатларига қор бўрони ёпирилди. Жумладан, Жоржия, Шимолий Каролина ва Алабамада 10 сантиметр қалинликда қор ёғди. Бу эса йул-транспорт ҳалокатларини келтириб чиқармоқда. Арканзас штатида эса электр сетапларининг музлаб узилиб кетаётгани оқибатида ўн минглаб аҳоли электр қувватисиз қолди. Штат губернатори қўриқдан ортиқ оқруғни табиий офат ҳудуди, деб эълон қилди.

ТАФАККУР ОЛАМИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА АДАБИЙ ТАЪЛИМ

мажбурий бўлмаслиги лозим. Кишининг яшаш, ўйлаш тарзига таъйиқ қандай ният билан қилинган бўлишига қарамай, зулм, зўрликдир ва айни шу боис номатлубдир. Миллий мафкура бажариллиши мажбурий бўлган қонун эмас, ҳар бир миллат вакилининг яшаш тарзи, ҳаётий эҳтиёжга айланган ҳаракатдаги фикрий-маънавий энергияга айланган ҳаққоний қиёфа касб этади. Бунда ўзбек миллатига хос барча хусусиятлар кўзда тутилиши лозим. Миллий мафкура миллат тафаккурига таъсир кўрсатишининг бутун бир тизимдан иборат бўлиши, миллат ақли туғилганидан то умрининг охирига қадар шу фикри йўналиш таъсирида бўлиши жоиз. Бунинг учун миллий мафкура миллатнинг тараққиётига таъсир этадиган жиҳатларни нозик ҳисобга олиши лозим бўлади.

Миллий мафкура миллат аъзоларида шу миллат вакили эканлигидан фахр туйиш, ўз миллати мафкура атлари учун ҳар доим ҳар қандай ишга тайёр туриш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилади. Бутун ўз қадрини билладиган, ўзгадан эҳтиромга муносабат талаб эта оладиган гуруҳли миллатгина ҳурматга лойиқ. Демак, миллий ғоя гуруҳли, фахр туйғуси бор ўзбекини шакллантиришга йўналтириши керак. У ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш воситаси эмас, бир жилдга тўпланган ахлоқий мезъорлар йиғиндиси эмас, балки ўзбек руҳиятидаги энг яширин, энг мудроқ ўзлик туйғуларини уйғотадиган амаллар мажмуи бўлиши жоиз.

Ҳолбуки, миллий мафкура шаклландиган ҳодиса эмас. Балки айнан одамнинг ўйлаш ва яшаш қаноатларидан, қарашларидан келиб чиқадиган ҳосиландир. Фақат марксчиларгина ижтимоий турмушни абсолютлаштириб уни одамга дахлдор барча ҳолатларнинг келтириб чиқарувчиси тарзида тақдим этиб келишган. Бу бежиз эмасди. Ижтимоий турмушнинг мутлақлашуви жамият ақлининг масъулиятини пасайтирарди. Унинг ўз ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини камайтиришга қаратилганди.

Миллий ғоя қонун ҳам, мажбурий акт ҳам эмас, балки ташвиқий йўналишдаги миллатга энг яқин, энг юқумли, энг тушунарли, энг таъсирчан, энг жозибабали фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя мажбурий бўлса, бажариллиши шарт юридик актага айлansa, сиёсий мафкурага, давлат мафкурасига дўнади. Ҳолбуки, миллий мафкура

шаклландиган ҳодиса эмас. Балки айнан одамнинг ўйлаш ва яшаш қаноатларидан, қарашларидан келиб чиқадиган ҳосиландир. Фақат марксчиларгина ижтимоий турмушни абсолютлаштириб уни одамга дахлдор барча ҳолатларнинг келтириб чиқарувчиси тарзида тақдим этиб келишган. Бу бежиз эмасди. Ижтимоий турмушнинг мутлақлашуви жамият ақлининг масъулиятини пасайтирарди. Унинг ўз ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини камайтиришга қаратилганди.

ГОЛЛАНДИЯ МАНЗАРАСИ.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ ҲАҚИ
Марказий Африка Республикаси полицияси ҳукуматга қарши норозилик намойишини тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газ ва тўқмоқларни ишга солди. Намойишчиларнинг асосий қисми давлат хизматчилари бўлиб, улар иш ҳақининг ўз вақтида берилмаётганидан норозилик билдирди. Мухолифат эса президент Анж-Феликс Патассени мамлакатни оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйишига айблаб, ундан истеъфого чиқишни талаб қилди.

КАМОҚХОНАДА ҒАЛАЁН
Бразилиянинг Сан-Паулу штати қамоқхонасида кўтарилган ғалаён 9 нафар маҳбуснинг ўлимига сабаб бўлди. Маҳбуслар қамоқхонада шарт-шароит яхшилангани талаб қилиб, турт нафар назоратчини гаровга олди. Тартибсизлик 36 соат давом этди. Иёни бостирив учун полициянинг махсус бўлими жалб қилинди ва гаровга олинганлар озод этилди.

ЯПОНИЯ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАҚДИМ ЭТГАН
Япония молия вазирлиги тақдим этган келгуси йил бюджетга кўра маблағ сарфлаши кўзда тутилган. 2001 йилда мамлакатнинг муҳофа мақсадлари учун деярли беш триллион мен (45 миллиард доллар) ажратилиши мўлжалланган. Иккинчи жаҳон урушидан буюн японлар ҳарбий ишларга бунчалик катта маблағ ажратмаган эди.

ХАРБИЙ ЭҲТИЁЖ УЧУН
Хабарларга қараганда, бу пўлнинг катта қисми армияни қайта ташкил этишга йўналтирилади. Жумладан, базис бўлимлар экстремистларга қарши курашувчи энг сўнгги техника ютуқлари билан таъминланган махсус отрядларга йўналтирилади.

ҲАҚИ
Япония молия вазирлиги тақдим этган келгуси йил бюджетга кўра маблағ сарфлаши кўзда тутилган. 2001 йилда мамлакатнинг муҳофа мақсадлари учун деярли беш триллион мен (45 миллиард доллар) ажратилиши мўлжалланган. Иккинчи жаҳон урушидан буюн японлар ҳарбий ишларга бунчалик катта маблағ ажратмаган эди.

Козакбой йўлдошев

Адабиёт — ҳайрат меваси. Адабиётшунослик аслида ҳайратшунослиқдир. Филолог олим ана шу ҳайратнинг манбаи қарда эканини текшириш билан шуғулланади. Умарали Норматов доимо ҳайрат отушида яшайди, нимадандир мутаасир бўлиб, ҳаяжонланиб юради. Унга қаттиқ таъсир қилган асарлар ҳақида фикр билдирганида: «Ҳайратда қолар даражада гузал», — деган иборани тез-тез қўлайди. Негаки, Умарали ака бадий асарни шунчаки ўқимайди, балки ҳайрат билан, муҳаббат билан идрок этади.

Домла адабиётни, сўзни севади, уни муқаддас билади, шу сабаб сўз яратувчиси — адибни аяйди. Табиатидаги самимий ҳайрат туйғуси боис баъзан асарларга ортиқроқ баҳо бериб юборади. Умарали Норматов асару адибга чўқмор билан

муштаҳкам ва турғун қонуният асосида ривожланидиган жараён деб билади. У бадий ҳодисалар замиридаги қонуниятларни пайқай билладиган олим. Шунинг учун ҳам «Майсаранинг иши» асаридagi қулгининг халққа индизлари ҳақида ҳажвшунослар пайкамаган нозик кузатишларни қила олди. Шу боис «Меҳробдан чаён» романида халқ қулгуси муаммосини жуда миқёсли ижтимоий, миллий ва руҳий аспектларда текшириб ўзига хос хулосалар бера олди. Унинг Абдулла Қодирий эстетик принциплари ҳақидаги тадқиқоти ўзбек адабиётшунослигининг дадил қадамларидан бўлди.

Чинакам асар қачон ёзилганидан, қандай дунёқараш маҳсули бўлганидан қатъи назар кейинги авлодлар маънавият ва руҳиятга таъсир кўрсаттаверади. Асл бадий асар

уна «Ўзбек адабиёти» дарслиқларининг бутун бир авлодини яратиб ишига раҳбарлик қилишда жуда қўл келди. Умарали аканинг жонқурлиги, фидойилиги ва бир қатор маъсул шахсларнинг дадиллиги сабаб мактабларимизда ўқитиладиган барча ўқув фанлари орасида адабиёт биринчи бўлиб, хали мустақилликка эришилмасдан олдинроқ янгиланган педагогик тафаккур талаблари асосида янгиланди. Мактаб дарслиқларини яратишда шўролар ҳукмронлиги йилларида шакланган яроқсиз усуллардан воз кечиб, дунё методикаси талабларига жавоб бера оладиган дарслиқларнинг юзага келтирилишида домланинг айрича хизматлари бордир. У маҳаллар адабиёт дарслиқларини тўдан янгилаш адабиёт ва методика соҳасидаги билимдонликдан ташқари кат-

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҲАЙРАТ КАМОЛИ



ҳамла қилишни эмас, балки уни ширинликлар билан сийлашни хуш кўради. Умарали ака урадиган эмас, балки аяйдиган, суйиқдан танқидчилардан саналади. Айни вақтда талабчанликни ҳам қўлдан бермасликка интилади. Олим адабиёт ҳақида, чинакам ҳайрат манбаи тўғрисида эҳтироссиз, ҳиссиз фикрлаш мумкинлигини ҳазм қилолмайди.

Умарали Норматов бугун ҳам ёш йилгиларда иланишлар, китоблар қўршоида. У гоҳ реализмнинг замонавий қўринишларини тадқиқ этса, гоҳ модерн йўналишининг намоён бўлишини текширади, гоҳ абсурд адабиётнинг илдизлари хусусида изланади. Баъзан умумтаълим мактаблари дарслиқлари устида иш олиб бора, баъзан олий мактаб адабий таълими муаммоларини тадқиқ қилаётган бўлади. Айрим олимлар сал ёши ўтган, ёшида орттирган фикрий захираларини тинчгина ёб ётмоқчи бўлишади. Умарали домла илмда бир нафас тин олиш анча ортда қолиш эканлигини жуда яхши билади. Шу боис ҳаммани аяйдиган одам ўзларига нисбатан «ҳайратда қолар даражада» талабчанлик қилади, аямийдир, ўз устиларида тинимсиз ишлайдилар.

Умарали ака адабиётга доир қарашларини ҳар жиҳатдан асослашга астойдил интилсалар-да, ўз фикрини сўнгги ҳақиқат деб тикиштирмайдилар. Олим бадий адабиётнинг сирли-сехрили, серкиёфа ҳодисалигини, унда киши қабул қилиши оғир кечадиган жиҳатлар бўлиши табиийлигини яхши билади. Домлада эгоцентризм йўқлиги учун ҳам ўзининг бадий асарга ёндашувини ягона мезон деб ҳисобламайди. Шу боис бошқаларнинг ўзига ёқмайдиган фикрларига ҳам қўлоқ тутадилар, уларни ҳам бутунлай инкор этмайдилар, имкон қадар ҳолислик билан муносабатда бўлишга интиладилар.

Профессор Умарали Норматов бадий асарни шунчаки бир тасодиф туйғайли ёзилиб қолганидан ҳодиса деб ҳисобламайди. Бадий ижодни ҳаммиса

мафкуравий қолиплардан бандроқ туради, унинг биқик талаблари доирасини ёриб чиқароқ пайдо бўлади. Умарали Норматов Қаҳор асарларидagi айни шу жиҳатлари ўта билимдонлик ва беадоб муҳаббат билан кўрсатиб бера олган. Олим адиб асарлари яшовчанлиги сирларини тадқиқ этар экан, чин бадий кашфиёт муаллифи истагига зид ҳолда ҳам ўз умрини кечириши мумкинлигини асослайди. «Сароб» романини ўқий қилган, унинг бугунги авлодга ҳам бадий таъсир кўрсата олишини таъминлаган жиҳатлар домла томонидан гоёт нуқтадонлик билан кўрсатилган. Профессор Норматовнинг «Саробга бағишланган рисоласида шахсияти синдирилган инсон фожиасини қўлаби ва таъсирчан тасвири қанчалик умрзоқ бўлиши мумкинлиги мантиқли далиллар билан берилган.

Олимнинг «Ўтмишдан эртаклар» ва абсурд адабиёти» номи муъжазгина мақоласи аҳамияти жиҳатидан қўлгина «қориндор» тадқиқотлардан банд туради. Чунки унда ўзбек адабиёти ривожининг жаҳон адабиёти тараққиёт тамойиллари билан умумий жиҳатлари «компаративистик» услуб ёрдамида асослаб берилган. Мазкур мақолада жаҳон адабиётида руй бераётган иланиш ва тажрибаларнинг миллий адабиётимизда қай тарзда юз кўрсатганлиги А. Қаҳорнинг бир асари мисолида ишонарли тарзда асосланган.

Бадий асарнинг шахсни шакллантиришдаги ўрни адабий таълимининг муаммолари, адабиёт ўқитишни тўғри йўлга қўйиш учун зарур бўлган тадбирлар тизимини профессор У. Норматовга яхши таниш. Домла узок йиллар давомида ёш адабиётчилар республика олимпаднасининг ҳайъатини бошқарибди. Шу бахонада домла кишлоқ ва шаҳар мактаб болалари ҳамда ўқитувчиларни чуқур ўрганди, уларни ташвишга соладиган муаммолардан атрофича хабардор бўлди. Айни вақтда, улар билан осон тил топишига одатланди. Бу ҳол

та шахсий жасоратни талаб этардики, Умарали ака ана шунақа масъулиятини бўйнига ола билганлиги билан бугун фахрланса арзийди.

Умарали домла кўнглини, инсон қадрини энг банд мартабадаги ва аялиши лозим қадриятлар деб билгани боис ҳам касбларининг ҳам кўнглига қарайди. Қачонлардир ўзини алдаган, фариб берган мунофиқ одамларни ҳам кечиришга, уларни тушунишга, бундайларнинг хиёнатига ўхшаш хатти-ҳаракатларини қандайдир йўсинда оқлашга уринади. Айни вақтда, гап илмининг принциплал масалаларига келганда, одатда, ҳаёлчан ва кеचиримли домлани таниб бўлмай қолади. У киши бундай пайтда «отасини ҳам аямийди».

Бадий сўзининг чинакам жонқурли, танқид олим, синчков адабиётшунос, қўйди-пишиди инсон профессору Умарали Норматов домла етмишга кирибдилар. Қалингина сочлари чала ярим оқарган, адл қоматли, ҳаракатчан, доим қандайдир хаёллар отушида юрадиган Умарали ака етмиш яшар мўйсифидга асло ўхшамайди. Чунки у даврининг суръатини нозик ҳис этади. Илмий-эстетик тафаккур тараққиётининг бугунги даражасидан ортда қолмасликка интилади. Шу боис фикр-иш. Фикрининг ёшлиги вужудни, жисмини ҳам қаришдан сақлайди. Янги фикр вужудга тиним бермайди, ҳаракатдаги жисм эса қаримайди.

«Бир нарсга кўнглимга таскин беради: мен бир гуноҳ ишга онгли равишда қўл урган эмасман; оиламга, турмуш урғотимга, фарзандларим, дўстларим, устозларимга энг кескин вазиятларда ҳам хиёнат қилмадим. Ҳамиша ҳаромдан ҳазар қилиб яшадим. Ҳеч кимга таъмагирлик билан ялтоқлик қилмадим», — деб ёзади Умарали Норматов бир ўринда. Узи тайин этган ҳаётий қондаларга содиқлик билан яшаб ижод қилаётган домламизга ҳайратнинг етмишини бошқичи муборак бўлсин.

■ Қ. ЙҮЛДОШ

Косонсойлик Турсунбой ота Муртазасени жаннатга одам эди, деб эслашади. Сўяги меҳнатда қотиб, 45 йил қишлоқ хўжалигида ишлаган Турсунбой ота 1989 йилда биринчилардан бўлиб деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этди. Дастлабки йилларда фермер катта даромад этгани бўлди. Ота деҳқончиликнинг олди ҳосилини қўшқўллаб ёлғиз ва ноғиронларга тутди. 1996 йили 50 нафар ҳам таъминланган оиланинг хатна тўйларини ўтказиб берди.

Қуш уясида кўрганни қиларкан. Уч йилдан бери Муҳаммаджон отасининг тутумининг давом эттиради. Фермер хўжалиги ҳомийлигида ёлғиз аёл Мўйтабархон Пўлатова хўжалик аъзо-

си сифатида моддий таъминот олиб туради...

Бунақа мисоллар жуда кўп. Умуман, вилоятда бу каби хайрли ишдан ўзини билган

Шу йил хўжалик, ташкилот ва муассасалар улар учун жами 1 миллион 125 минг сўмлик ноғиронлар аравачалари сотиб олди. Учқўрғон-

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛСИН

ЎКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР ЁЛҒИЗ ҚАРИЯ ВА НОҒИРОННИНГ ЎЗ ҲОМИЙСИ БОР

бирорта раҳбар четда турмайди. Чортоқ туманидаги Бобур жамоа хўжалиги райиси Абдубанно Зокиров ташаббуси билан ёлғиз пенсионер Назирахон Абдуллаева ҳомийликка олинган. Уйчи туманидаги саховатли раҳбарлар кўмағидан, айниқса, ноғиронлар хурсанд

даги 2 нафар бемор болакай ноғиронлар аравачаси билан таъминланди.

Янгиқўрғон туманидаги сахий қалбли кишилар 56 нафар ёрдамга муҳтож қарияларнинг электр, газ, ичимлик сув бўйича тўловларини ўз зиммаларига олишди. 312 нафар эҳтиёж-

Кейинги йилларда жаҳон миқёсида вирусли гепатитлар кўплай қайд қилинмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу хасталиқларнинг беш тури: А, В, С, Д ва Е гепатитлари маълум.

Вирусли А ва Е гепатитлари оғиз (орал) орқали юқса, вирусли В, С, Д лар учун эса парентерал (оғиз орқали эмас) юқини характерлидир.

Бу хасталиқларда касаллик манбаи фақат одам ҳисобланади. Касаллик ўткир, чўзилган ёки сурункали кўринишда кечиб, енгил, уртача ва оғир ўтади. Касаллик бир

териси ва кўзининг оқи сарғиш тусга киради, сийдиги қизариб, нажаси оқаради. Баъзи бир беморлар бу даврда тери қичиши, қоринда оғриқ сезиш каби шикоятларни қилади.

Вирусли А гепатитининг олдини олишда аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир болалар муассасаларида қайнатилган сув, етарли микдорда стаканлар ва бошқа идишларнинг бўлишини таъминлаш зарур.

Айтиб ўтилган ташкилотларда болаларнинг ва хизматчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишларини қатъий назорат қилмоқ лозим. Касаллик кент тарқалиб кетмаслиги учун беморлар шифохоналарга ётқизиши ва бемор яшаган хонадон ҳар кунги ва якуновчи дезинфекция тадбирларини ўтказмоқчи талаб этилади.

Вирусли В гепатитнинг профилактикасида қон топишувчи шахсларни доимий равишда текшириб туришни аҳамияти катта. Донорлар вирусли гепатитлар билан оғирган беморлар билан мулоқотда бўлмаганликлар ҳақида маълумотномага эга бўлмоқлари даркор.

Вирусли гепатитлар билан оғирган ҳамма шахслар поликлиникалардаги юқумли касалликлар хоналарида диспансер кузатувига олинадилар.

Сўнгги йилларда вирусли А ва В гепатитларининг олдини олишда кўп мамлакатларда ижобий натижа берган вакцина (эмдори) билан профилактик эмлаш тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда.

■ Сирожиддин БОБОХҲАЈЕВ, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори

САЛОМАТЛИК САНДИГИ

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

неча даврда кечади: яширин, саркиқик олди, саркиқик ва соғломлашиш. Вирусли А гепатитда яширин давр 15-45 кунгача давом этса, В гепатитда эса ушбу давр 6 ойгача чўзилиши мумкин. Саркиқик олди даврида беморлар тана ҳароратининг кўтариллиши, иштаҳанинг пасайиши, шамоллаш аломатларининг пайдо бўлиши, кўнгли аяниш, қусиш, қоринда, бўғинларда, мушакларда оғриқ сезилади. Ушбу даврда беморлар касаллик юқтирувчи бўлиб, тева-рак атрофдагилар учун катта хавф туғдирадилар. Одатда ушбу давр 5-7 кун мобайнида давом этади. Саркиқик пайдо бўлиши билан касаллик сабабчиси бўлиши вируснинг ажралиши тўхтайтиди ва беморлар улар билан мулоқотда бўлган бошқа шахслар учун хавф туғдирмайди. Саркиқик даврида беморнинг

ри сув, озиқ-овқат маҳсулотларидан ва ҳар кунги ишлашга қўл келтирилган буюмлардан. Вирусли А гепатити учун мавсумийлик (касаликнинг совуқ фасалларда кўпайиши) ҳосилдир. Вирусли В гепатитларининг келиб чиқишида қон ва унинг препаратларини муолажа мақсадида қўллаш асосий сабаб бўлади. Бундан ташқари, касаллик ўзаро мулоқот, жинсий алоқа орқали ҳам юқини мумкин. Вирусли В гепатити кўзгатувчиси ҳомиладорлик даврида ҳомиладарга ўтиши мумкинлиги исботланган. Ушбу хасталиқлар билан асосан бир ёшгача бўлган гўдалар ва катталар оғрийди. Вирусли В гепатити қон ва препаратлари билан хизмат бурчларига кўра мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари орасида ҳам кўпроқ учрайди. Ушбу ин-

«САНЪАТ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Изоҳлари асосида топилиб шаклга рақамлар бўйича ёзилмаган сўзлар «занжир» ҳосил қилади.

1. Куй ижросида энг юқори парда. 2. Қадимда бош кийимига тақилган ўткир ва қимбатбаҳо тошлар билан безилган зийнат буюми. 3. Волида муқтарамалар қўшиги. 4. Торли, бармоқлар билан чертиб чалинадиган учбурчак шаклдаги чансимон мусиқа асбоби. 5. «Шашмақом» куйларидан бири. 6. Афсонавий қаҳрамонлар, олам ва кинонт сирларига оид қадимги халқ ривоятлари мажмуи. 7. Ўзига жалб қиладиган, завқ-шавақ бағишлайдиган хусусият. 8. Халқ рақс куйи. 9. «Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони. 10. Қимматбаҳо маъдан, заргарлик ашёси мажмуи. 11. Одат, анъана. 12. Шерият тури. 13. Икки ижрочига мўлжалланган мусиқа асари. 14. Зардушликда матога чизилган нақш, андоза. 15. Шерий нутқ ўлчовида дастлабки ритмик бирлик. 16. Қасидага монанд ёзилган Оврўпа шерияти тури. 17. Тақинчоқлар учун ишлатиладиган турли рангдаги қимматбаҳо тош. 18. «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаси қаҳрамони. 19. Ўзбек мумтоз мусиқасида куйнинг асосий қисмидан сўнг

келадиган охириги қисми. 20. Назимий асар тури. 21. Бинокорлик ашёси, маъдан. 22. Бино гишларини кўркам, гулга ўхшатиб териш. 23. Буюм сиртига пардоз бериш, ялтиратиш. 24. Газламани пардозлаш учун ишлатиладиган ашё. 25. Икки томонга уланувчи нақш тасми, хошия нақш. 26. Уйлар ёғоч устунининг юқорисидagi очилган дастагўл

сими қисми. 27. Тожикистон ашула ва рақс дастаси. 28. Гоёт катта, улкан. 29. Хушбўй, қорамтир атторлик ашёси. 30. Маданият ва санъат муассасаси. 31. Эракларнинг энг паст, йўғон овози. 32. Эстрада гуруҳларидан бири. 33. Халқ достонларини куйловчи ижодкор. 34. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 35. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» тарихий


драмаси қаҳрамони. 36. Дума-лоқ жисм. 37. Мусиқали санъат санъати тури. 38. Кишини мафтун этувчи цирк томошаси. 39. Тасвирий санъат асари тури. 40. Чолгу куйи ва унинг ижроси. 41. Узук, исирга халқ буюмларга ўйб ишланган ёймаси гул-безак. 42. Санъат асари бўйича эришилган донг, шавкат. 43. Мусиқа ёзуви. 44. Қисмига тарихий қисмига кирувчи мусиқа асари. 45. Ватанимиздаги машҳур эстрада гурӯхи.

■ Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«АЙЛАНМА» ЎЙЛАНМАСИ

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 1. Бола. 2. Каср. 3. Агра. 4. «Шарқ». 5. Қари. 6. Рукн. 7. Полк. 8. Озон. 9. Олла. 10. Лаос. 11. Золя. 12. «Ялла». 13. Рама. 14. Асар. 15. Дала. 16. Аруз. 17. Сулқ. 18. Ҳинд. 19. Тўда. 20. Тўти. 21. Тонг. 22. Нутқ. 23. Ўғит. 24. Ганг. 25. Айри. 26. Рўн. 27. Ясли. 28. Лифт. 29. Фунт. 30. Чита. 31. Чили. 32. Олим. 33. Шақл. 34. Абак.

■ МУАММОНОМА. Ҳикмат: Кишининг сўзи — ақлнинг тарозусидир.



Гулистон шаҳридаги С. Сегизбоев номи тиббиёт билим орти томонидан 1972 йилда Ҳалима Деҳқоннова БУТАОВЕВА номига берилган Л-31295 рақамли акушер ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ сақлаш вазирлигининг Тошкент вилоят малякисини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси кўмитаси институтининг сўрақ ректори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ҳамидулла Хусанович ХУСАНОВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таззия ихсоз этади.

Ҳамидулла Хусанович ХУСАНОВНИНГ

БОШ МУҲАРРИР

АЗИМ СУҲОН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қоқоқбой ЙҮЛДОШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алишқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБЕРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат ва кўчүк — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибхона — 133-21-43
Реклама ва эмаллар — 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲАББАТЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-03-80;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нухусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урағчида — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МТБУОТЧИЛАР ҲАМРАИ, 32-УЙ.

Навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи Икромжон ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00004

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табақ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририй руҳсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти — 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Набр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси **220** Набр индекси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга